



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil " 30 " aprel

Қ-316 -son

Termiz sh.

**Қумқўрғон тумани Н.Мирзаев массиви
худудидан "BARAKA CHAVANDOZ 555"
МЧЖга "Қуёнхона" қуриш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонида асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 12 апрелдаги 02-05/279-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2021 йил 15 мартдаги 35-сон хулосаси, Қумқўрғон туман ҳокимининг 2021 йил 6 мартдаги 78/01-36-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Қумқўрғон тумани Н.Мирзаев массиви худудидан "BARAKA CHAVANDOZ 555" МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 33қ-дала контуридаги 0,20 гектар яйлов ер майдони "Қуёнхона" қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "BARAKA CHAVANDOZ 555" МЧЖ 0,20 гектар яйлов ер майдонига "Қуёнхона" қуриш учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 3 058 604 (уч миллион эллик саккиз минг олти юз тўрт) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкнинг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботида тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси

чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов